**№ 23-сонли хизмат курсатиш шартномаси**

Фориш туман. 20 июнь 2022 й

Фориш туман ҳокимлиги (кейинги уринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи Фориш туман "Ободонлаштириш бошкармаси" бошлиғи Х.Журакулов ва SANGZOR PROJECT INVEST МСШ кейинги уринларда "Ижрочи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари С Қувондиков мазкур шартномани қуйидагилар хакида туздилар.

## 1. Шартнома предмети

1.1. Ижрочи уз зиммасига буюртмачининг топшириғига кура мазкур шартноманинг 1.2.-бандида курсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини кабул килиб олиш ва бунинг учун хак тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Ижрочи кейинги уринларда "Ишлар" деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Фориш туман Корабтолота МФЙ Болғали кишлоги ички йўлларини жорий таъмирлаш учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишлари

Курсатилган ишларни бажариш учун пудратчига зарурий курсатмалар, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3.Ижрочи ишларни узининг материалларидан, узининг асбоб-ускунасида ва узининг инструментлари билан бажаради.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 30 кун ичида амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни кабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

## 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи Ижрочига шартнома умумий қийматининг 30 %и микдорида бунак туловларини амалга оширади. Ишларни кабул килишда аникланган нуксон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тулик хажмда бажарилгандан сунг 70% буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, хисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрьгача амал килади.

## 3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. "Ижрочи" мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим булган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни кабул килиш, тушириш, тахлаш хамда саклашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб килинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тугрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириши.

3.1.6. Агар Ижрочи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чикишга йул куйган булса, буюртмачининг талабига биноан аникланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни куриклаш буйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Ижрочи куйидаги хукукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида курсатилган хак тулаш мажбурияти бажарилмаганда, Ижрочи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:



Кўриб чиқган юрист. Shaxarov Kadir Xalyigitovich Ҳужжат рақами. CQ2275684627

3.3.1 Ижрочидан ишлар тугалланганлиги хақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чикишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар хақида Ижрочига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида курсатилган ҳисоблашишлар тартиби буйича ишлар учун ҳақ тулаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда Ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси узига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган бахонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини Ижрочига тулаш. Бунда бурtмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши хам шарт.

**4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби**

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 48000000=00 (Қирк саккиз миллион ) сумни ташкил қилади.

4.2.Буюртмачи томонидан "Бажарувчи"га шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада курсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кучириш йўли билан амалга оширилади.

**5. Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. Ижрочи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 20 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар хақини уз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи Ижрочига утказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тулайди.

5.3. Мазкур шартномада кузда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

**6. Форс-мажор холатлари**

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари уининг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир курсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

**7. Низоларни ҳал этиш тартиби**

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар уртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони булмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят хужалик судида куриб чиқишга топширадилар.

**8. Шартномага узгартириш ва қушимчалар киритиш тартиби**

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф томонидан имзоланиб, Газначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий кучга эга булади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи куйидаги холларда шартномани бекор килишга ҳакли:

- Ижрочининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;
- Ижрочининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Ижрочи кўйидаги холларда шартномани бекор килишга ҳакли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлик бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тухтатиб турганда;
-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йукотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги карори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тугатилмаган курилиш топширилади, буюртмачи эса Ижрочи улар томонидан аникланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Якуний коидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган хар кандай узгартириш ва кушимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг хакикий хисобланади ва 31.12.2022 йилгача амал килади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди.Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга.Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3.Шартномага
илова________________________________________

10. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

| «Ижрочи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| SANGZOR PROJECT INVEST MCHJ | Фориш туман хокимлиги |
| (етказиб берувчи номи) | (бюджетдан маблаг олувчининг номи) |
| Адрес: Жиззах ш. А.Навоий 12 а-уй | Манзил: Фориш т. Богдон ш. Ш.Рашидов к. 3-уй |
| ИНН 304961108 | ш/х* 100022800823570452041100009 |
| Тел.,факс_ | Банк номи: Тошкент ш Марказий банк ББХККМ |
| х/р. 20208000700785770001 | МФО: 00014 СТИР: 206943329 |
| Банк : АТ Алокабанк | ОКОНХ: 97600 |
| МФО: 00401 | Ғазначилик бўлинмаси номи Уз.Рес. Молия вазирлиги ягона Ғазна хисоб варағи |
| | Ғазна х/в: 23402000300100001010 |
| | МФО: 00014 |
| | газначилик бўлинмаси СТИРи: 201 122 919 |
| Рахбар: С. Кувондиков (имзо) | Рахбар ________ (лавозим) имзо (Ф.И.Ш) |

SANGZOR PROJECT INVEST

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: CQ22756846 27

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi**. Shartnoma

2. **Loyihaning nomi**.

"SANGZOR PROJECT INVEST" MCHJ va Forish tuman Obodonlashtirish boshqarmasi o'rtasida "Qorabdol ota" MFY "Bolg`ali" qishlog`i ichki yollarini joriy ta`mirlash uchun loyiha-smeta xujjatlarini tayyorlash bo'yicha shartnoma (48.000.000 so`mga) tuzish haqida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**.

Loyiha Forish tuman yuridik xizmat ko'rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 21.06.2022 yilda kiritilgan.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy- xuquqiy bazasi to'g'risida"gi qonunini;

O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunining 56-63-moddalaridagi davlat xaridi bo'yicha tanlov o'tkazish talab va shartlari;

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 14.09.2021 yildagi "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6313-sonli Farmonining 3-qism v)-bandiga muvofiq tuzilgan.

Shuningdek, loyihada O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011-yil 24-avgustdagi "Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarning xarid qilishda 15 foizdan ortiq miqdorda avans to'lashi mumkin bo'lgan tovarlar (ishiar, xizmatlar)ning turlari ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida"gi 241-sonli qaroriga asosan 30 foiz miqdorida oldindan to'lovni amalga oshirish nazarda tutilgan.

Shartnoma ishtirokchilarining huquq va majburiyatlari O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonunini talablariga javob beradi, shartnoma shartlari yuzasidan kelib chiqishi mumkin bo'lgan javobgarlik masalasi tomonlar o'rtasida qonuniy kelishilgan, nizolarni hal qilish tartiblari belgilangan.

Shartnoma loyihasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

## X U L O S A

"SANGZOR PROJECT INVEST" MCHJ va Forish tuman Obodonlashtirish boshqarmasi o'rtasida "Qorabdol ota" MFY "Bolg`ali" qishlog`i ichki yollarini joriy ta`mirlash uchun loyiha-smeta xujjatlarini tayyorlash bo'yicha tuzilgan shartnoma loyihasi amaldagi qonun talabiga muvofiq va uni imzolash mumkin

**Markaz bosh yuriskonsulti** **K. Shaxarov**

21.06.2022 yil

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
Фориш туман "Ободонлаштириш бошқармаси" бошлиғи
____________ Х.Жўрақулов
«17» 06 2022 йил

**Фориш туман "Ободонлаштириш бошқармаси" томонидан туман бюджет маблағлари ҳисобидан Фориш тумани Қорабдолота МФЙ Болғали қишлоғи ички йўлларини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлаш бўйича давлат харидларида № 101406 - сонли лот билан ўтказилган электрон танлов натижасини кўриб чиқиш ва ғолибни аниқлаш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг**

**МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 4**

2022 йил « 17» июнь Богдон шахарчаси

**Қатнашдилар:**
Фориш туман "Ободонлаштириш бошқармаси" бошлиғи Х.Жўрақулов - баҳолаш танлов комиссиясининг раиси
**КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:**

1.Казаков Жахонгир — Бошқарма мухандиси-танлов комиссияси котиби.
2.Нурқулов Бобир — Бошқарма бош мухандиси-комиссияси аъзоси.
3.Узоқов Сунат — Бошқарма бош мухандиси-комиссияси аъзоси.
4.Музаффаров Юсуп — Бошқарма мухандиси-комиссияси аъзоси.
5.Исанова Раъно — Бошқарма хисобчиси-комиссияси аъзоси.

**Кун тартиби:**
1. ЛОТ № 101406 билан Фориш тумани Қорабдолота МФЙ Болғали қишлоғи ички йўлларини жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлаш ишлари бўйича.

**ЭЪЛОН (БУЮРТМАНОМА)**

Фориш тумани Қорабдолота МФЙ Болгали қишлоги ички йўлларини жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлаш ишлари бўйича ахборот порталига жойлаштирилган 2022 йил 06 июндан 16 июнгача 10 кун муддатга ЛОТ№ 101406 – сонли эълон (талабнома)га асосан талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифлар бўйича.

2. Қорабдолота МФЙ Болғали қишлоги ички йўлларини жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлаш ишлари бўйича (бажариш) иштирок этган ташкилотлар ва уларга қўйилган умумий баллар.

Млн.сўмда.

| Товар (иш,хизмат)нинг номи | Ўл. бирл | Сони | «Азиза лойиха» МЧЖ | | «Давр проект» МЧЖ | | «Амиршох стройқурилиш» МЧЖ | | «Sangzor project invest» МЧЖ | | "Жиззах-билдинг" МЧЖ | | "Лойиха структура" МЧЖ | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Таклиф этилган нарх (сўм) | Умумий балл | Таклиф этилган нарх (сўм) | Умумий балл | Таклиф этилган нарх (сўм) | Умумий балл | Таклиф этилган нарх (сўм) | Умумий балл | Таклиф этилган нарх (сўм) | Умумий балл | Таклиф этилган нарх (сўм) | Умумий балл |
| Қорабдолота МФЙ Болғали қишлоги ички йўлларини жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлаш ишлари | Хизмат | 1 | 42,0 | 54.4 | 49,0 | 51.8 | 41,650 | 62 | 48,0 | 79,4 | 46,550 | 53,9 | 45,0 | 61,6 |

Талабгорлар томонидан Қорабдолота МФЙ Болгали қишлоғи ички йўлларини жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлаш ишлари бўйича 2022 йил 06 июндан 16 июнгача 10 кун муддатга ЛОТ№ 101406 – сонли эълон юзасидан 17.06.2022 йил соат 18-25га қадар оғзаки ёки ёзма эътироз ва мурожаатлар тушмади.

Комиссия Қорабдолота МФЙ Болғали кишлоғи ички йўлларини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлаш ишлари учун ўтказилган танлов бўйича:

**Қарор қилади:**

1.Фориш тумани Қорабдолота МФЙ Болгали қишлоғи ички йўлларини жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлаш ишлари бўйича ўтказилган танловда 79.4 балл билан ғолиб бўлган «Sangzor project invest» МЧЖ билан шартнома имзоланиб, ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилсин.

1.Казаков Жахонгир ____________

2.Нурқулов Бобир ____________

3.Узоқов Сунат ____________

4.Музаффаров Юсуп ____________

5.Исанова Раъно ____________